Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 116 (7. 205) 1990 йил 24 май, пайшанба Баҳоси 3 тийин

БЕКТЕМИРНИНГ ТАРЖИМАИ ҲОЛИ

Номи: Бектемир.

Туғилган вақти: 1990 йил, апрель.

Миллати: 37 фоиз рус, 20 фоиз татар, 19 фоиз корейс, 6 фоиз ўзбек ҳамда бошқирд, уйғур, қозоқ, тожик ва бошқалар.

Ижтимоий келиб чиқиши: Байналмилал оиладан.

Эътиқоди: Дўстлик, коммунистик ғояларга садоқат.

Оила аъзолари: 27 минг кишидан иборат.

Асосий касби: меҳнаткаш.

Бугун биз бағрида қардошлик, қариндошлик туйғуларини авайлаб-асраб сақлаб келаётган пойтахтимиз кенжа райони—Бектемир муаммолари ва унинг истиқболи ҳақида рўзномамизнинг иккинчи саҳифасида сўз юритамиз.



Эртага XXIV Тошкент область партия конференцияси очилади

ВАЪДА БИЛАН ИШ БИТМАЙДИ

Агар мендан «Сиз учун энг ҳаяжонли дам қайси кун бўлган?» деб сўрашса, ҳеч шубҳасиз, «Сайловчиларим билан бўлган биринчи учрашувим» деб жавоб берган бўлардим. Гарчи бу кунга етарли тайёргарлик ва тушунтиришлар билан борган бўлсам ҳам негадир ҳаяжонимни босолмасдим.

Ўйлаганимча бор экан. Дастур бу ёқда қолиб жонли мулоқот бошланиб кетди. «Қани айтингчи, нималарни қилиб беришга қодирсиз» дейишди сайловчилар. Дабдурустдан берилган саволга жавоб топишга қийналдим. «Нима истакларингиз бўлса, амалга оширишга ҳаракат қиламан» дедим.

Бирин-кетин таклифлар ёғилди. Уларни ёзаяпману, вужудимни ваҳима босяпти: «Буларни қандай қилиб бажараман ахир?».

Хуллас, учрашув бутун фикри-зикримни ўзгартириб юборди. Билдимки, қуруқ ваъда билан иш битмайди. Сайловчилар сендан амалий иш талаб қилишади. Шундай масъулиятни зиммангга ололсанг ишлай оласан, акс ҳолда...

Виждонан айтаман, шу куни сайловчиларга астойдил хизмат қилиш истагини дилимга тугиб қўйдим. Ахир шу юрт фарзанди бўлганингдан кейин унинг чинакам жонкуяри бўлишинг ҳам керакда. Агар кўпчилик истагини мен уддалай олмасам, бошқа биров бажара олмаса ким уни амалга оширади? Шу ният, шу ўйлар бошимдан кечди ўша куни.

Нимадан бошламоқ керак? Энди мени мана шу савол қийнарди. Худди шу кезларда бахтимга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР, область, шаҳар, район, посёлка, қишлоқ ва овул Советлари халқ депутатларига Мурожаатномаси матбуотда эълон қилиниб қолди-ю, мушкулим осонлашди. Бу ҳужжатдан ҳар бир сатрни ўқиб ўзимга тегишли хулоса чиқариб олдим. «Халқимиз турмушининг қанчалик ночорлигини яхши биласиз. Уй-жойлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, мактаб ва касалхоналар етишмайди. Дўкон ва бозорларда қимматчилик, 9 миллион аҳолининг жонбошига олаётган даромади кун кечириш учун зўр-базўр етади. Бизда ҳозир бир миллиондан ортиқ ишсиз бор. Атроф-муҳит, табиатнинг мувозанати бузилган. Орол фожиасидан ҳаммамиз ташвишдамиз... Бу борада депутатлар зиммасига айниқса катта масъулият юкланади. Ахир сизлар халқнинг мухтор вакилларисиз. Энди ҳар бир вилоят ва шаҳарда, район ва қишлоқда ҳокимият сизларники. Биринчи қадамларингиз хосиятли бўлсин». Ўйлаб кўрсам бу сўзлар биз депутатлар учун дастур бўлиб хизмат қилиши мумкин экан.

Албатта сайловлардан кейин ўтган уч ой давомида мен бугун фалон ишларни бажардим деб бонг уришим нокамтарлик бўлар. Лекин бир нарсани айтиб ўтишга мажбурман. Сайловчиларим талаб ва истакларини имконият даражасида бажаришга ҳаракат қиляпман. Агар мендан бугун «Хўш, нима иш қилишга улгурдинг» деб сўрасалар, уларга бажарган ишларим юзасидан аниқ жавоб бера олишга тайёрман. Майли, улар гарчи кекса хизматчи хонадонига телефон тушириш, кўп болали оилага уй-жой олиб беришда ёрдамлашиш, йўлкаларни асфальтлаш каби майда-чуйда ишлар бўлса ҳам сайловчиларнинг талаб ва истаклари асосида бажарилган юмушлардир.

Касбим шифокор бўлгани учунми, билмайман кўпроқ кишилар сиҳат-саломатлигини ўйлайман. Беморларга керакли тиббий ёрдам бериш йўлларини қидираман. Жамиятимизда сахийқалб, софдил, бировлар учун юракдан жон куйдирадиган кишилар борлигидан қувонаман. Бундан тўрт йил муқаддам мен бошчилик қилаётган 3-шаҳар касалхонасида бўлган воқеа сира хаёлимдан нари кетмайди. Жарроҳлик бўлимида Чимкентдан келтирилган оғир бемор ётарди. Операция қилиш жараёнида у кўп қон йўқотди. Эндигина 25 ёшга кирган йигитни қутқариб қолишнинг биргина йўли унга етарли миқдорда қон қуйиш эди. Лекин ярим тунда касалхонада зарур бўлган категориядаги қон тугаб қолганди. Шунда палатадошлар ёрдамга келишди. Улар шу дамда бегона киши учун истаганча қон беришга тайёр эдилар.

— Менинг қон группам тўғри келади.

— Мендан олинг, қоним шу группада.

Ўзлари бемор, ўша қонга ўзлари муҳтож кишиларнинг юқоридаги сўзларни айтиб навбатма-навбат қон топширишлари уларнинг нақадар олийжаноблигидан дарак бериб турарди.

Делегат сифатида яқинда бўлиб ўтган шаҳар партия конференциясида қатнашдим. Шунда мени бир нарса — ҳисобот даврида шаҳар партия ташкилоти асосий куч-ғайратини XIX Бутунittифоқ партия конференциясининг сиёсий йўл-йўриқларини, КПСС Марказий Комитети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети кейинги Пленумларининг, XXVI шаҳар партия конференциясининг қарорларини амалга оширишга қаратганлиги хурсанд қилди. Лекин тиббий хизмат масаласида ҳали қиладиган ишларимиз кўплиги биз шифокорларни ташвишга солди. Айтингчи, Тошкент мамлакатнинг 30 та энг йирик шаҳарлари орасида аҳолининг сони жиҳатидан тўртинчи ўринда тургани ҳолда аҳоли жон бошига касалхоналардаги жойлар билан таъминланиши жиҳатидан ўн учинчи ўринда туришини нормал ҳол деб биладими? Шунингдек, «Сиҳат-саломатлик» дастурининг амалга оширилиши ҳам кишини қаноатлантирмайди. Моддий-техника базанинг заифлиги аёллар, болаларга, уруш ва меҳнат ногиронларига тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш имконини бермаяпти.

Ҳисобот даврида 476 коммунист партия билетини топширганлиги қайд этилди. Улардан 309 нафари кейинги олти ой мобайнида партия аъзолигидан воз кечган. Бу кишиларнинг ярми ишчилардир. Ўйлашимча партиядан кетганларнинг кўпчилиги КПСС сафида бўлиш орқали қандайдир афзалликларни кўзлаган кишилар. Улар КПССга ўз эътиқодлари билан киришмаган. Шунинг учун ҳам ундан осонликча воз кечиб кетишяпти. Бу хусусда бундан ўзгача фикр юритиб бўлмайди.

Шу йилнинг 6 ва 7 март кунлари йигирма биринчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг биринчи сессияси бўлиб ўтди. Депутат сифатида мен ҳам унда қатнашдим. Сессияда Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари А. И. Фозилбеков халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг раиси этиб сайланди. 13 та доимий комиссия тузилди. Уларга энг муносиб кишилар раис этиб сайланишди. Жумладан, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, она, оналик ва болаликни муҳофаза этиш, хотин-қизлар ўртасида ишлаш масалалари бўйича тузилган доимий комиссияга Семашко номидаги илмий текшириш институтининг директори К. Йўлдошев раис этиб сайланди. Бу комиссия составига кирган аъзолардан умидимиз катта. Ўйлаймани, улар ўз олдиларига қўйган вазифаларини уддалай оладиган кишилардир. Чунки улар ўта талабчан, ўз касбининг усталари, халқ ишонган мухтор вакиллардир.

Хуллас, қиладиган ишлар, режалар жуда кўп. Бир ёқадан бош чиқариб виждонан ишлаганимиздагина улар амалга ошади, сайловчилар ишончи оқланади. Ўз дилимга тугиб юрган шу гапларни XXIV Тошкент область партия конференцияси арафасида айтганимнинг боиси ҳам мана шунда.

Б. АБДУЛЛАЕВ,
Тошкент шаҳар Советининг депутати.



РАЙОН маиший хизмат кўрсатиш комбинатининг илғор ишчиларидан бири Санобархондир. У шу корхонада ўн йилдан буён тикувчи-мотористка бўлиб ишлаб келмоқда.

СУРАТДА: жамоа фахри С. Қурбонбоева.

ЯНГИ район бағрида кўрк очаётган «Водник» мавзеси кун сайин кенгайиб бораяпти. Миллий меъморчилик услубида қурилаётган бинолар кишининг ҳавасини келтиради.

СУРАТДА: яқинда қад кўтарган янги турар жой биноси.

Т. Каримов суратлари.

Сўз — делегатларга

МАФКУРАВИЙ ИШЛАРНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК

Т. СОБИТОВ,

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номидаги тикув ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг котиби.

— Партия ташкилотларидаги ҳисобот-сайловларни бошидан кузатиб келаман. Корхонамиз йиғилишларидаги коммунистларнинг фаоллигига тан берган ҳолда, фикрларидаги бир хилликни, аксарият ҳолларда бирбирини такрорлаб қолишини айтиб ўтмоқчи эдим. Бу нарса афсуски, Киров райони миқёсидаги коммунистларнинг анжуманида ҳам такрорланди. Шундоқ ҳам ҳозир КПСС аъзолари хўжалик ишлари билан ўралашиб қолди деган гаплар тарқалди. Лекин Коммунистик партиянинг иши фақат бу билан чегараланиб қолмайди-ку! Мафкуравий, сиёсий ишлар-чи? Хуллас, эндиликда бунга кўпроқ диққат жалб қилиш вақти келди.

Партия анжумани минбаридан туриб сўз олишга жазм этган ҳар бир киши хўжалик юритиш масалалари, муаммолари билан чегараланиб қолмай, партиянинг бугунги кундаги мафкуравий ишлари хусусида ҳам тўхталиши лозим. Ана шунда коммунист обрўси, фаолияти ҳақидаги фикрларга бир мунча ойдинлик киритилган бўларди. Худди шунинг учун ҳам вилоят партия конференцияси олдидан коммунистлардаги чинакам жонбозликни, жанговарликни ўз позицияларини тўла эгаллашларида деб биламан.

ВИЖДОНАН ЖАВОБ КЕРАК

Александра КЛЕПИКОВСКАЯ,

Тошкентдаги 1-тажриба-механика заводи бўғ қозонхонасининг оператори.

— Партия обрўсини тиклаш учун ҳар бир коммунист ким бўлиб, қайси лавозимда ишлашидан қатъий назар халқ билан ёнма-ён туриши, унинг қувонч ва ташвишларини баҳам кўриши керак. Ўз камчиликларимизни рўй-рост, очиқ-ойдин тан олаётган бир пайтда ҳар биримиз «Партия билетини ёнимда олиб юриб унга номуносиб ишлар қилмаяпманми?» деган саволга виждонан жавоб беришимиз даркор. Чунки, ўз эътиқодимизни, имонимизни ғалвирдан ўтказиб, сафларимизни тозалаш орқали мустаҳкамлаш вақти келди, чамамда.

Ҳозирги даврда, биз коммунистларни партия жипслигини сақлаб қолиш муаммоси кўпроқ ташвишлантираяпти. Бу жипсликка путур етказаётган, партия шаънига доғ тушираётган коммунистлар конференциядан номма-ном тилга олинишини истардим. Чунки, улар партиявий нуқтаи назардан ошкора муҳокама қилинишига сазоворлар, деб ҳисоблайман.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

22 май куни халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети президиумининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳар Советининг II сессиясига тайёргарликнинг бориши муҳокама қилинди. Президиум иккинчи сессиянк 15 июнь куни соат 10 да Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг сиёсий маориф Уйи биносида чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Президиум мажлисида сайловларга тайёргарлик ва сайловлар пайтида сайловчилардан олинган наказларни бажариш бўйича тадбирлар қандай шакллаштирилганлиги тўғрисидаги ахборот муҳокама этилди. Тошкент шаҳар Советининг президиуми ташкилий — совет ишлари бўлимига сайловчиларнинг наказларини бажариш бўйича тадбирлар лойиҳасини доимий комиссиялар эътиборига ҳавола қилишни топшириб, уларни Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг бўлимлари, Бош бошқармалари ва бошқармалари билан биргаликда муҳокама қилиш ва халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг II сессиясига кўриб чиқиш учун киритишни доимий комиссиялардан сўради.

Президиум мажлисида шаҳарда маҳалла (квартал) комитетлари тўғрисидаги низом лойиҳасининг муҳокамаси ғоят қизғин баҳслар уйғотди. Президиумнинг барча аъзолари ўз таклиф ва маслаҳатларини айтишиб, бир неча мартадан сўзга чиқишди. Умуман уларнинг фикри шунга келиб тақалдики, низом халқ ташаббусларига кенг йўл очиб беришга, ўз-ўзини бошқариш принципларини тўлароқ амалга оширишга, фуқароларни давлат, хўжалик ва ижтимоий-маданий бунёдкорлик масалаларини ҳал этишга кенг жалб этишга кўмаклашиши лозим. Низом лойиҳаси тузатиш ва таклифларни ҳисобга олган ҳолда биринчи ўқилишдаёқ президиум томонидан қабул қилинди.

Муҳокамага навбатдаги масала қилиб халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ва унинг ижроия комитети бюллетенини тўғрисидаги масала қўйилди. Тошкент шаҳар Совети, президиуми, доимий комиссиялари, шаҳар Совети ижроия комитети ишида ошкораликни кенгайтириш ва шаҳар ҳамда район Советлари депутатларига амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида мунтазам равишда бюллетень чиқариб туриш таклиф этилди. Бу таклиф якдиллик билан қўллаб-қувватланди ва маъқулланди. Фан, маданият, халқ таълими, ахборот ва ташқи алоқалар бўйича доимий комиссияларга ҳамда ташкилий — Совет ишлари бўлимига бюллетень тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш ва уни чиқариш бўйича аниқ таклифлар киритиш топширилди.

Шунингдек район чақирув комиссиялари ишида Ўзбекистон ССР ва Тошкент шаҳар Совети халқ депутатлари иштироки тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Ҳарбий комиссариатлар ва чақирув комиссиялари иши устидан таъсирчан депутатлик назоратини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг топшириғига кўра ҳар бир район чақирув комиссияси таркибига республика, шаҳар ва район Советларининг халқ депутатлари тавсия этилдилар. Уларга ёшларни ҳақиқий ҳарбий хизматга чақиришнинг белгиланган қоидаларига риоя қилинишини қатъий назорат қилиш, армияга касаллиги туфайли бемор бўлиб ва кучсизланиб қолган ёш йигитларни жўнатиш ҳолларига йўл қўймаслик, чақириқлардан маълум муддатга олиб қолишларнинг асосланганлиги ва Совет Армиясига чақирилувчиларни танлаш сифати устидан врачларнинг жавобгарлигини ошириш топширилди.

Тошкент шаҳар Совети президиумининг мажлисида бошқа баъзи бир масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Мажлисни Тошкент шаҳар Советининг раиси А. И. Фозилбеков олиб борди.

Рўзноманинг шу сонига







«ШАҲРИНГИЗ МАФТУНИМАН»

—дейишмоқда япониялик меҳмонлар

КЕЧА

«ЯККА САРОЙ» қабристонига дафн этилган япониялик ҳарбийлар учун ўрнатилган ёдгорликни очиш маросими бўлиб ўтди.

Меҳмонларни чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамиятининг раиси С. У. Султонова муборакбод этди. Япония Социалистик партияси раҳбарияти аъзоси, парламент аъзоси, япон-совет жамияти правлениесининг раиси Тошихадо Окадо, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раиси Ш. Р. Шоабдураҳимов билан бирга ёдгорликка кираверишдаги лентани қирқишади.

Ўзаро ҳамкорлик фақат туристик делегатларни айирбошлашни тақозо қилибгина қолмасдан ана шундай ўзаро дўстликни ҳам юзага келтирди.

Делегация бошлиги Тошихадо Окадо биз билан суҳбатда шундай деди:

— Тошкентнинг гўзал шаҳар эканлиги фақат менга эмас, балки биз билан келган барча ватандошларимга маълум бўлди. Унинг бири-биридан кўркам кўчалари, хиёбонлари, одамларнинг дилкашлиги, меҳмондўстлиги мени қойил қолдирди.

— Биз урушда ҳалок бўлган ватандошларимиз учун мамлакатингизнинг бир қанча шаҳарларида худди шу бугунга ўхшаш ёдгорлик ўрнатганмиз. Ўтган йили Ленинградда ана шундай ёдгорликни очдик. Мана бугун ҳам соат 11.59 минут ўтганда ёдгорлик очилди. Бундан бир неча йил муқаддам худди ана шу соатда Нагасакига атом бомбаси ташланган эди. Биз буни бир умрга эсдан чиқармаймиз.

Йиғилганлар жанг қилиб ўз она юртига қайтмаганларнинг ҳаммасига ўз таъзияларини бажо келтирдилар.

— Онламизда катта акам урушда ҳалок бўлган, — дейди пенсионер Оно Хидеко. — Ёшим анча ўтиб қолган бўлишига қарамасдан шунча узоқ масофадан ватандошларим қабрига гулчамбарлар қўйишга келдим. Мен совет кишиларининг нақадар олижаноб эканлигини, уларнинг ҳаммаси тинчлик учун кураш олиб борганлигининг шоҳиди бўлдим. Меҳмонларга совға қилинадиган энг улуғ ўзбек нонини татиб кўрг Бу бизга кўрсатилган бе меҳмондўстликдир.

Навоий номидаги Ўзбек Давлат Академик Катта театрини уруш йилларида япониялик ҳарбий асирлар билан бирга қуришда иштирок этган, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳ. Қосимов, кўп болалик онахонлар меҳмонларни ўзбек диёрига қадам ранжида қилганликлари билан қутлашди.

БУГУН

япониялик меҳмонлар /Самарқандга боришади. Эртага Тошкентга Япониядан яна бир группа туристлар ташриф буюради. Улар шаҳримизнинг диққатга сазовор жойлари билан яқиндан танишиб, корхона ва ташкилотларда бўлишади.

Р. ФАЙЗУЛЛАЕВ.

СУРАТЛАРДА: япониялик ҳарбийлар учун ўрнатилган ёдгорликнинг очилишидан лавҳалар.

Р. Шарипов суратлари.

КЕНЖА районимизни азим Тошкент ўз бағрига олганига ҳали икки ой ҳам бўлганича йўқ. Узоқ йиллар қишлоқ савиясида ҳаёт кечириб келаётган янги ноҳия аҳолисини қисқа муддатларда иқтисодий, ижтимоий ва маданий жиҳатдан пойтахт меҳнаткашлари турмуш даражасига етказиш осон иш эмас. Шу улуғвор вазифани бектемирликлар район партия комитети, янги кенгаш ва унинг ижроқўми аъзолари зиммасига юклабдими, бу юксак масъулиятни биз бир зум бўлсада, унутишга ҳаққимиз йўқ. Айни пайтда уни уддалашга қодир эканлигимизни ҳам яхши биламиз. Негаки, жамоа бошқарув ташкилотларига халқимиз ўзининг энг ишчан, инсонпарвар, ҳалол ва ҳақгўй йигит-қизларини, тажрибали отахон ва онахонларини сайлади.

Дарҳақиқат, вазифа ниҳоятда мураккаб. Аввало, биз ҳали шаҳар ташкилотларининг ўзимиздаги қуйи бўлинмаларини тўла ташкил этиб улгурганимиз йўқ. Ҳанузгача пойтахт билан шаҳарлараро телефон тармоғи орқали алоқа қилиб турганимизнинг ўзи ишнинг анча оғир кўчаётганлигидан далолат беради. Демоқчиманки, телефонларимизни шаҳар автоматик алоқа станцияларига улашни тезроқ ниҳоясига етказиш лозим. Ҳозир ижроия қўмитасининг ички ишлар, умумий овқатланиш каби бир неча бўлимигина фаолият кўрсатмоқда. Бошқа бўлинмаларни тузиш учун Коммунистик райони билан сарҳисобни тезлаштириш керак бўлади. Бундан ташқари интизомни шаҳар ҳулқига моианд равишда кескин яхшилашимиз лозим.

Булутурги йилда ҳозирги районимиз ҳудудида қурилиш ишлари анча тезкорлик билан олиб борилган. Жумладан, фақат шахсий қурилиш ҳисобига 25,6 минг квадрат метр турар жой қурилган. 1000 квадрат метр ҳажмида 6 магазин, 160 ўринли қаҳвахона, 200 кишини қабул қилишга мўлжалланган болалар поликлиникаси, шу соҳанинг иккита текширув хонаси фойдаланишга топширилганлиги маълум. Аҳолига пуллик

Райком ва қайта қуриш

ИСТИҚБОЛ УМИДЛАРИ

хизмат кўрсатиш 4,9 миллионга етиб, олдинги йилга нисбатан бу соҳада 14 фоиз ўсишга эришилган. Ушбу рақамларни мен шунинг учун ҳам тилга олаяпманки, бу йил ўша кўрсаткичлардан ўзиб кета оламизми, йўқми? Амалга ошириладиган ишлар ҳажми эса жуда улкан. Истиқбол орзуларини рўёбга чиқаришни мушкуллаштирадиган энг катта тўсиқлардан бири ҳозир районимиз жойлашган мавзе бир томонлама ривожланган. Бошқачароқ қилиб айтганда саноат корхоналари қурилавергану, аммо у ерда ишлайдиган одамлар турмуши учун шарт бўлган энг муҳим шароитларни яратиш масаласига деярлик эътибор берилмаган. Ҳозирги пайтда районимизда ҳаётий зарур бўлган турар жойлар кам, инженерлик коммуникациялари, жисмоний соғломлаштириш тармоқлари, касалхоналар, сабзавот омборхоналари, маданият ва истироҳат боғлари умуман йўқ.

Аҳоли эҳтиёжларига нисбатан олганда мактабгача болалар муассасалари 80, магазинлар 60, маиший хизмат корхоналари 37 фоизни ташкил этади.

Шу йилдан эътиборан район аҳолисининг ширкат фаолияти кескин жонланди ва бу жамоа ташкилотларидан шаҳар хазинасига тушум ҳозирнинг ўзида 2,2 миллион сўмга ўсди. Аммо ҳар ўн бешта ширкатдан биттасигина халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқармоқда, холос. Буни яхши, деб бўлмайди, албатта.

Қурилишга ажратилган маблағлар ҳар гал у йилдан бу йилга қолиб кетмоқда. Жумладан, «Иргидромаш» заводи қуюв цехининг иккинчи навбати, гидротехника ва электромеханика ускуналарини ремонт қилиш заводи каби корхоналар қурилиши чўзиб юборилаётганлиги туфайли ҳар йили 20 миллион сўм ўзлаштирилмай қолиб кетаяпти.

Турар жой ҳамон ўткир муаммолигича қолмоқда. Бу йил барча манбалар бўйича жамланган маблағлар эвазига 30 минг квадрат метр уйлар қурилиб, 470 оила янги ҳовли тўйларини ўтказишади. Эндиликда биз рўй-рост айтаверишимиз мумкинки, 1990 йилнинг ўзида 400 оилага ер майдонлари ажратиб берилади. Корхоналар маблағлари ҳисобига 24 квартирали бинолар қад кўтаради. Фақат Тошкент область ижроия қўмитасининг капитал қурилиш бошқармаси томонидан 5 минг квадрат метр уй-жой қуриб берилишига келишиб олдик. Буларнинг ҳаммаси шу йилнинг ўзида квартира олган ҳар бир кишини, 14,5 квадрат метр уй-жой билан таъминлаш имконини беради.

Режаларимиз жуда улкан. Партиямизнинг съездлар йилида 280 ўринли болалар боғчалари, 150 ўринли касалхона, 75 ўринли амбулатория, «Водник» мавзесида 1000 ўринли спорт иншооти, 120 ўринли кўз хасталиклари шифохонаси, 600 ўринли шаҳар маданият уйи қуриб битказилади. Кўчаларимиздаги кўпқаватли бинолариинг пастки қисмида ижтимоий-маиший хизмат шохобчалари, жумладан, суратхоналар, ошхоналар, кутубхоналар, алоқа уйлари барпо этилади. Хуллас, ноишлаб чиқариш иншоотлари қурилишига ҳам жиддий эътибор берилади. Шу мақсадлар учун бу йил 16 миллион сўм ёки ўтган йилга нисбатан 1,8 баравар кўп маблағ ажратилди.

Ҳозир районимизда марказлашган шаклда сув таъминотини вужудга келтириш асло кечиктириб бўлмайдиган вазифалардан бирига айланиб қолган. Бироқ 4 миллион сўмлик бу йирик иншоот қурилишига республика Сув хўжалиги вазирлиги бултур 200 минг сўм, бу йил эса 600 минг сўм миқдорида маблағ ажратди, холос. Тозалаш иншооти қурилиши эса ҳанузгача бошланмади. Ваҳоланки, республика Давлат план комитети қурилишга кетадиган маблағ ҳажмини 1 миллион 300 минг сўм миқдорида белгилаб берган эди. Афсуски, буюртмачи бўлмагач, бу қурилиш 1990 йил пудрат ишлари планига киритилмай қолди. Бундан беш йил муқаддам Ўзбекистон ССР Министрлар Совети махсус қарор қабул қилган бўлишига қарамай, районимизни газлаштириш ишлари ҳам бу йилги пудрат ишлари режаларида ўз аксини тополмади.

Район ижроия ва жамоа ташкилотлари ҳозир бутун диққат-эътиборни СССР ва республикамиз Президентларининг кейинги Фармонлари ижросига қаратмоқдалар. Инсон саломатлиги, дам олиши, моддий-маданий хизмат билан боғлиқ бўлган 40 та корхона ва ташкилот фаолиятлари эндиликда кескин жонланиб кетди. Район партия комитети 1—5-синфлар ўқувчиларини бепул овқатлантириш, умуман болаликни, оналикни муҳофаза қилиш, уруш ва меҳнат ногиронлари ҳамда нуронийларга моддий-маиший ғамхўрлик кўрсатишни коммунистлар орқали мунтазам назорат қилиб турибди. Айниқса, оналар ҳамиша назаримизда. Районимизда айни пайтда моддий ёрдамга муҳтож 50 та оила ва витаминотерапияга муҳтож 192 аёл бор. Камқонли ҳомиладор аёллар ҳам оз эмас. Ана шу муҳтожларга ёрдам кўрсатиш учун 20 минг сўм пул ажратилди. 321 нуроний нафақаси 70 сўмгача кўтарилди.

Биз шундан мамнунмизки, қисқа фурсат ичида район партия комитети аъзоларининг ишлаб чиқариш жамоаларидаги самимий мулоқоти кескин яхшиланди. Биринчи ва иккинчи конференциялар, пленумларда партиянинг обрўсини тиклаш билан боғлиқ бир қатор тадбирларни белгилаган эдик. Шулардан дастлабкиси район партия комитетининг идорасн ходимлари сонини камайтиришдан иборат бўлди. Ҳозир комитет идорасида 15 нафар, кейинчалик яна 4 киши қисқариб, 11 нафар ходим ишлайди. Иккинчи тадбиримиз район аъзоларини тегишли жойлардаги бошланғич партия ташкилотлари ҳисобига ўтказиб, идорадаги бошланғич ташкилотни тугатдик. Бу, комитет аъзоларининг корхона ва ташкилотлардаги аҳволдан бевосита хабардор бўлиб туриш имконини берди.

«Баҳс» клубларини ташкил этиш фикри ҳам шундан кейин юзага келди. Самимий ва тўла-тўкис ошкора ўтаётган «Баҳс» мунозараларига коммунист ва партиясизлар талабларига мувофиқ район, шаҳар, область ва ҳатто республика раҳбариятидан, шунингдек, норасмий уюшмалардан вакиллар ҳам таклиф этилиши мумкин. Бу тадбирларнинг аҳамияти шундаки, у ҳар хил миш-мишларга барҳам беради. «Баҳс» иштирокчилари Иттифоқ, республика, шаҳар ва районимиздаги ҳақиқий аҳволдан мунтазам хабардор бўлиб туришади. Мулоқот натижалари район ҳудудидаги маълум жойларда ташкил этилган «Ахборот кўзгуларида» эълон қилиб борилади.

Мухтасар қилиб айтганда, бу тадбирлар халқ манфаати йўлидаги орзуларимизни амалга оширишда жуда фойдали бўлади.

Г. СОБОЛЕВ,
Бектемир район партия комитетининг биринчи котиби.

Дўстлик— табаррук туйғу

ИРМОҚЛАР ТУТАШСА...

ТАНИҚЛИ адиб Мустай Карим «Ирмоқлар туташса — дарёдир, одамлар бирлиги — дунёдир» деганида минг карра ҳақ экан. Зеро, олам осойишталиги, тўкин-сочинликнинг бош мезони дўстлигимиз, қардошлигимиз эканлигини ҳаётнинг ўзи исботлади. Қайта қуриш туфайли бутун-бутун халқлар, элатлар ўзлигини таний бошлаган ҳозирги шароитда бу табаррук туйғуни ниҳоятда эъзозлашимиз лозим.

Жуда кўп миллат вакилларининг хоҳиш ва талабларига биноан байналмилал «Биродарлик» уюшмасининг ташкил этилганлиги ноҳиямиз сиёсий ва маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлди.

Ҳозирча уюшма сафига ўзбек, рус корейс, бошқирд, уйғур, татар ва бошқа халқлар вакиллари бирлашмоқда. Дастуримиз ниҳоятда ранг-баранг: курашнинг беллашув, таквандо, у-шу сингари турларида мусобақалар, лапарчилар, аскиячилар ва мақомчилар баҳси уюштирилади, Наврўз, сабонтўй, тано сингари ўзбек, бошқирд, татар ва корейс миллий байрамларига бағишлаб ўтказиладиган шодиёналарда лотерея ўйинлари ташкил этиш ҳам мўлжалланмоқда.

Уюшмамизда, айниқса, миллий ҳунармандчилик санъатини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Бешиклар, сандиқлар, бош кийимлари, нақшин белбоғ ва тасмалар, лаган, чойнак, коса ва ҳар хил болалар ўйинчоқлари ясаш бўйича танловлар ташкил этишни мўлжаллаяпмиз. Шодиёналарда ўзбеклар норин, шилпилдоқ, ош, уйғурлар лағмон, манпар, манти, корейслар кукси, тиби, тяй, тири, бошқирд ва татарлар чибурен, парамоч каби таомлар билан ўз биродарларини сийлайдилар. Ҳар бир халқ ўзининг меҳмоннавозлик санъатини намойиш этади. Шу таомлардан иборат бўлган ошхоналар ҳар бир миллий хонадон уйларида очилди.

Айниқса, биз уюшмамиз орқали республика давлат тилини ўрганишга биринчи галдаги вазифа деб қараяпмиз. Шу мақсадда ўзбек тили ва унинг эски ёзувини ўрганиш тўгараклари ташкил этяпмиз. Айни пайтда корейс, уйғур, рус, бошқирд, татар тилларини ўрганиш курслари ҳам доимий равишда ишлаб туради.

Санъат — миллатнинг энг катта бойлиги. Шу мақсадда яқин кунларда иш бошлайдиган бадиий тўгаракларимизда рубоб, доира, ғижжак, балолайка, гармонь, қаяғим, сурнай каби чолғу-асбобларини чалишни ўргата бошладик. Ҳаваскорлар жуда кўп. Миллий тилларни, айниқса, давлат тилини ўзлаштирганлар орасида танловлар уюштирилиб, билимдонлар қимматбаҳо буюмлар билан мукофотланиб борилади.

Ишончимиз комилки, уюшмамиз турли халқлар миллий маданиятини ривожлантиришда, миллатларни биродарлик туйғулари атрофида жипслаштиришда жуда катта аҳамият кашф этади.

А. ШЕК,
«Биродарлик» байналмилал уюшмасининг раиси.

Бектемир райони:

КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА





Пойтахтимизнинг кенжаси — Бектемир района илдам суръатлар билан ривожланмоқда. Унинг юксалишига кексаю ёш — ҳамма баравар ҳисса қўшмоқда.

СУРАТЛАРДА: «Водник» мавзеси уруш кексалари кенгашининг раиси Яҳё Ҳайруллаев.

8-болалар боғчасида бугун 380 нафар кичкинтойлар тарбияланмоқда.

Райондаги янги савдо шохобчаларидан бири.

Т. Каримов суратлари.

ҲАЛИ соат 17 бўлмасдан туриб, Тошкент «Мотор» заводи директорининг хонаси одамлар билан гавжум бўлди. Бу ерга партия, совет ходимлари, буюртмачи ва пудратчи ташкилотларнинг, план ва таъминот органларининг вакиллари, завод раҳбарлари келишди. Аммо Бектемир район партия ва совет ходимларидан штабнинг жумалик кенгашларида негадир ҳеч ким иштирок этмаяпти. Бунинг боисини сўраганимизда завод маъмурияти вакили район раҳбарларини таклиф этиш хаёлдан кўтарилганини айтди. Шундай бўлсада, йиғилиш ниҳоятда ошкоралик, талабчанлик руҳида бошланди.

«Мотор» заводи директорининг капитал қурилиш ишлари бўйича ўринбосари К. И. Шемлев масалани кўндаланг қўйди:

— Минск мотор ишлаб чиқариш бирлашмасининг филиали сифатида қад кўтаражак бу завод республикамиз иқтисодиётини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади. Ҳукуматимиз корхона қурилишига 70 миллион сўм миқдорида маблағ ажратди. Бош пудратчиларимиз эса атиги 4 миллион сўм миқдоргина биз билан шартнома тузишди. Бу йирик қурилиш ҳажмига нисбатан денгиздан бир томчи, холос. Нега шундай?

Йиғилишга раислик қилаётган, бош пудратчи ташкилот — ихтисослаштирилган «Водстрой» қурилиш бирлашмасига қарашли 76-механизациялашган кўчма колонна бошлиғи А. Гаффоров завод қурилишидаги сусткашликни қўйидагича шарҳлади:

— Аввало, йил бошида маблағ масаласи тез ҳал бўлавермади. Негаки, биз қураётган завод Белоруссия ихтиёрида бўлгани учун ҳам пулни биз Иттифоқ хазинасидан олишимиз лозим эди. Оқибатда бу объект давлат буюртмаси рўйхатига кирмай қолди. Шунинг учун ҳам ресурсларни ажратиш тезда ҳал бўлавермади. Ниҳоят маблағга эга бўлдик. Аммо маҳсулотлар, айниқса, қувур, металл ва цемент топишда бирлашмамизнинг таъминотчи корхоналари ниҳоятда қийналишаяпти.

— Жуда тўғри, — деди ишлаб чиқариш-техника ашёларини уйғунлаштириш бошқармаси бошлиғи О. Холмуродов, — бу масалада «Ташкентметаллснаб» ўта бепарволик қилаяпти. Буни шундан ҳам билиш мумкинки, бугунги амалий гурунгимизда шу ташкилотдан яна ҳеч ким иштирок этмаяпти. Биз ўз ташаббусимиз билан Нижнетагил металсозлари ҳузурига бошқармамиз ходимини жўнатдик. У ўша ердан вагонларга ортиб, мис ва металл қувурлар, алюминий жўнатади. Яқин кунлар ичида 850 тонна битум, ўзимизда мавжуд 300 кубметр ёғочдан 80 кубини келгуси ҳафтада завод қурувчиларига етказиб берамиз. Кабель маҳсулотлари ҳам яқин орада етиб келади. Аммо ғишт ва цемент таъминоти ҳанузгача талаблар даражасида амалга оширилмаяпти.

— Худди ана шунинг учун ҳам, —дея суҳбатга аралашди завод бош инженери О. Б. Колушев, — жуда кўп пудратчи ташкилотлар биз билан шартнома тузишни орқага суришаяпти. Энг ачинарлиси шундаки, қурилиш ускуналари ва ашёларини етказиб бериш режаси ҳалигача тузилмаган. Бошқачароқ қилиб айтганда, завод қурилиши иши ўз оқимига ташлаб қўйилган. Мана бир мисол: пудратчилар билан шу йиғилишимизгача шартнома тузиш шартлигини ўтган жумада тўпланганимизда келишиб олган эдик. Бу ҳафта ҳам ўтиб кетдики, бирорта ташкилот ҳам шартнома орқали ўз зиммасига зарур масъулиятини қабул қилиб олганича йўқ. Қурилишда интизом ниҳоятда бўшашиб кетган. Ахир, кунига 600-700 ўринга қурилишда атиги 100 нафарга яқин киши ишлаётганини қандай изоҳлаш мумкин?

Белгиланган топшириққа мувофиқ ҳар ойда қурувчиларимиз 860 минг сўмлик иш бажаришлари шарт эди. Аммо қилинаётган иш ҳажми 100 минг сўмнинг нари-берисида қолиб кетаяпти.

Йиғилишда ихтисослашган «Водстрой» қурилиш бошқармаси бошлиғи А. Яҳёбоев, махсус қурилиш-монтаж министрлиги ходими Г. В. Скороходовлар ҳам республика аҳамиятига молик завод қурилишидаги муаммоларни бартараф этиш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Жумалик гурунги ниҳоясида завод бош инженери О. Б. Колушевни суҳбатга тортдим:

— Олег Борисович, корхонанинг ички муаммолари ҳам оз эмасдир?

— Етиб ортади. Аввало, корхонамиз ҳали номигагина завод, биттагина алюмин эритиш цехи ишлаб турибди, муваққат бинода двигателлар тайёрлаяпмиз. Шунингдек, ёрдамчи хизмат турлари ҳам бор. Заводимиз бутун қувват билан ишлай бошлагач, унда салкам беш минг киши фаолият кўрсатади. Демак, яна 4 мингга яқин ишчи заводимиз жамоаси сафига келиб қўшилади. Афсуски, кадрлар тайёрлаш масаласи билан жиддий шуғулланиш имкониятига эга эмасмиз. Бунинг боиси шундаки, завод ўз турар-жой шаҳарчасига эга бўлишига қарор қилинган, бунинг учун ҳатто кенг ер майдони ажратилганига қарамай шу пайтгача пойдеворга бирорта ғишт қўйилмади.

Турар жой шаҳарчасини барпо этиш учун 15 миллион сўм ажратилган. Лекин қурилиш материалларининг тақчиллиги туфайли уни бошлаб юборишнинг иложи бўлмаяпти.

Эътироф этиш керакки, завод қурилиши яхши бошланди. Энг аввало, сув келтирилди, ёрдамчи хоналар иситилди. Электр билан таъминланди. Шинамгина ошхона, магазин ишга туширилди. Қурилишни жадал суръатларда олиб бориш учун барча шароитлар мавжуд. Аммо қурилиш суръатлари кўнгилдагидек эмас. Бизга жиддий ва амалий ёрдам керак.

А. НУРИМОВ.

«МОТОР» МУАММОЛАРИ

ЗАВОД ҚУРИЛИШИ МАЙДОНИДАН РЕПОРТАЖ

Табиат— ҳаёт чашмаси

«ЧИРЧИҚ» ДАСТУРИ

РАЙОН партия комитетининг биринчи конференциясидаёқ табиат муҳофазаси масаласи делегатларнинг муттасил диққат-эътиборида бўлди. Бу бежиз эмас эди, албатта. Чунки бизнинг районимиз собиқ мутасаддилар бепарволиги туфайли бир ёқлама ривожланиб борган. Бошқачароқ қилиб айтганда, нўпдан-нўп саноат ва транспорт корхоналари қурилавергану, аммо чиқиндиларни зарарсизлантириш, ҳаво мусаффолигини сақлашдек муҳим ишга ҳеч ким эътибор бермаган. Бу ҳол эса пойтахтнинг иккинчи ҳаёт томири ҳисобланган Чирчиқ дарёси сувининг тозалигига анча путур етказган.

Конференция иштирокчиларининг таклифига мувофиқ Чирчиқ бўйлаб бир неча бор кезиб чиқдик. Очиқ эътироф этиш лозимки, дарёчамизнинг аҳволи ҳар қандай бағри тош киши юрагини эзиб юборади. Сув ёқаларида ахлат уюмлари, машина қисмлари, ҳар хил темир-терсаклар, ишлаб чиқариш чиқиндиларини Чирчиқнинг мусаффо чеҳрасидаги сувечак излари деб бемалол айтавериш мумкин. Бу ташвишли аҳвол хусусида ноҳия кенгашининг сессияларида, ижроия қўмитасининг йиғилишларида ҳам жуда кўп марта ачиниб гапирилди. Ана шу ташвишли садолардан сўнг «Чирчиқ» дастурини кечиктирмай амалга ошириш зарурлиги тўғрисида қатъий қарорга келинди.

1990 йил режасига мувофиқ онатабиатни асраш мақсадлари учун 1,5 миллион сўм миқдорида маблағ ажратилди. Шунинг 700 минг сўми тозалаш иншоотларини қуришга харж қилинса, қолган қисми асосан «Чирчиқ» дастурини тезроқ амалга оширишга сарфланади.

Биз дарё софлигини тиклашни, аввало, корхоналар ва хонадонлардан чиқадиган ахлатлар ҳамда чиқинди йўлига кескин гов қўйишдан бошладик. Бунинг учун партия комитети аъзолари, республика, область, шаҳар ва район халқ депутатларига маълум участкаларни бўлиб бериб, улар эътиборини корхона, ташкилот, муассасалар, ҳар бир хонадон соҳиблари билан алоҳида-алоҳида тушунтириш ишларини олиб боришга жалб этдик. Бу тадбир ўзининг яхши самараларини бера бошлади. Ҳозир ахлат ва чиқиндилардан дарёмиз холис бўлди.

Дарё дастурига кўра биринчи навбатда сув тошқинларининг олдини олиш вазифаларини белгилаб чиқишимиз зарур эди. Бу ишни бажаришдан олдин эса сув сатҳини кўтариш, шу асосда қайиқларда сайр қилиш бекатларини, умуман, дам олиш минтақасини белгилаб олмоғимиз лозим. Чирчиқнинг аниқ гидротехник харитасига эга бўлмай туриб, бу тадбирларни амалга ошириш қийин. Шундан кейингина дарё қирғоқларн ва албатта, унинг тагларини ҳам бетонлаштириш, тўғонлар қуриш ишларини бошлаб юбориш керак.

Тўғонлар қуриш йўли билан дарё сувн сатҳини кўтариш дарё атрофларида ажойиб боғ ва хиёбонларни вужудга келтириш имконини беради. Ҳеч шубҳа йўқки, Чирчиқ соҳиллари минг-минглаб пойтахт меҳнаткашларининг севимли оромгоҳига айланиб қоладн. Айни пайтда районимиз табиатининг мусаффолиги ҳам тикланади.

Бу улуғвор вазифани, рўй-рост тан олиш керакки, ёлғиз ноҳиямиз бажаришга қодир эмас. Шунинг учун биз шаҳар Совети жумҳурият вазирликлари, ишлаб чиқариш корхоналаридан амалий ёрдам ва мадад кутамиз.

А. ЙЎЛДОШЕВ,
Бектемир район ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари.



⊙ **ВАШИНГТОН, АҚШ президенти Жорж Буш яқинда Москвада тугаган Совет — Америка музокараларида эришилган натижалар хусусида ишонч билан гапирди ва олий даражадаги бўлажак Совет — Америка учрашуви самарали ўтади, деб умид билдирди. Президент Хьюстондан Орегон штатидаги Портленд шаҳрига бораётиб, президент самолётида журналистларга Москва сафаридан қайтиб келган давлат секретари Бейкер билан телефон орқали гаплашганлигини айтди.**

⊙ **ВАШИНГТОН. Дунёда милиардлаб одамлар оч-наҳор кун кечираётган бир пайтда инсоният қуролланишга ҳар йили бир трилиион доллар сарфланишига йўл қўя олмайди. Ҳарбий харажатларнинг тўхтовсиз ўсиши тўхтатилиши ва орқага қайтарилиши керак. Олий даражадаги Совет — Америка учрашуви арафасида Америкадаги 42 минг аъзони бирлаштириб турган «Жаҳонга — нон» жамоат ташкилоти ана шундай даъват билан чиқди.**

«— Ҳозир бизнинг олдимизда қуролланиш пойгасини орқага буриб юбориш ва илгари урушга тайёргарлик кўриш учун сарфлаб келинган улкан ресурсларни бошқа мақсадларга: очлар ва муҳтожларга ёрдам беришга йўналтириш учун нодир имконият вужудга келмоқда, — деди «Жаҳонга — нон» ташкилотининг президенти Артур Саймон. — Башартн биз бу имкониятдан фойдалана олмасак, жаҳонда қуролярогларни гамлаш давом этаверади, дунёдаги энг камбағал мамлакатлар ўртасида можаролар кучаяверади ва натижада ҳамманинг ва ҳар бир кишининг хавфсизлиги хатар остида қолади».

⊙ **БУХАРЕСТ. Миллий нажот фронтидан Румниия президенти лавозимига номзод Ион Илеску сайлов давомида сайловчилардан 83,0 фоизининг овозини олади. ГФР социалогик тадқиқотлар институти (ИНФАС) билан Руминия жамоатчилик фикрини ўрганиш институтн мутахассислари тарқатган фаразда шу ҳақда маълум қилинади. Улар мамлакатдаги 252 сайлов участкасида овоз берган 16 минг сайловчининг фикрини сўраб билиб, шундай хулоса чиқардилар.**

⊙ **ПРАГА. Гитлерчилар истилоси йилларида Терезин шаҳрида нималар бўлганини эслаш ва гапириш жуда оғир. Бироқ инсонининг инсонга нафратн қандай оқибатлар келтирганини ҳамма билиши ва эсда сақлаши учун бу ҳақда гапириш зарур, — деди Чехия республикаси ҳукуматн раисининг ўринбосари Антонин Баудиш Терезиндаги кўп минг кишилик намойишда сўзлаган нутқида. Намойиш фашизм қурбонлари хотирасига бағишланган эди.**

Сўзга чиққан кишилар гитлерчи босқинчилар Терезин ва Литомержиц яқинидаги қамоқ лагерларида 190 минг одамни азоб-уқубатга солиб, ўлдириб юборганликларини таъкидладилар. Ўлдирилганлар орасида чехлар, яҳудийлар, фашизм ва ирқчиликка нафрат бирлаштирган бошқа халқларнинг вакиллари бор эди. Гитлерчилар ўтказган халқларнинг қириб ташлаш сиёсати қурбонлари қабрларига гулчамбарлар ва гуллар қўйилди.

Намойишда ЧСФР президенти Вацлав Гавел иштирок этди.

⊙ **МАДРИД. Нельсон Манделанн қўллаб-қувватловчи Испания комитети Жанубий Африка Республикасида апартеид сиёсатининг давом этаётганига ва ЖАР президенти Фредерик Де Клеркнинг Испанияга расмий ташриф қилишига қарши норозилик билдирди. Испаниядаги танинли касаба уюшма арбоби Марселино Камачо бошчилик қилаётган комитет кенг жамоатчиликнинг фикрини анс эттиради. Де Клерк Испанияга келган пайтда комитет бир қанча норозилик тадбирларини ўтказишни — ташқи ишлар министрлиги биноси олдидан Мадриднинг марказий Пуэрто Дель Соль майдонигача одамлар бир-бирларининг қўлларини ушлаб жонли занжир ҳосил қилишларни, шунингдек, апартеидга қарши митинг ҳамда апартеид муаммолари юзасидан очиқ мунозара ташкил этишни режалаштирмоқда.**

Комитет эълон қилган баёнотда Жанубий Африка Республикаси гитлерчилар Германиясидан кейин ирқчилиннн рўёбга чиқарган жаҳондаги иккинчи мамлакат эканлиги таъкидланади. 25 миллион нафардан ортиқ Жанубий африкаликлар, яъни мамлакат аҳолисининг учдан иккн қисми овоз бериш ҳуқуқидан маҳрум қилинган бўлиб, уларнинг ўртача умрн 23 йилни ташкил этади, маълумот олиш учун уларга оқ танли намчилнкка нисбатан етти баравар кам маблағ ажратилади. Комитет Испания ҳукуматига Голландия, Дания ва Ирландия ҳукуматларн Де Клеркнинг ташрифига рухсат бермаганликларини, бошқа мамлакатлар эса уни хусусий тарзда кутиб олганликларини эслатади.

(ТАСС).

Советлар мамлакатида

⊙ ТАМБОВ. Хўжалик ҳисобида ишловчи маҳаллий «Гальванотехника» бирлашмаси коллективи янги маҳсулот — ногиронлар учун «Дикуль креслоси»нинг чиқарила бошланганлигини хайрли иш билан нишонлади. Корхона меҳнаткашлари шундай аппаратларнинг бир туркумини орқа мияси шикастланган ва болалигида церебрал фалажлик билан оғриб, кейин унинг асорати қолган касалларни даволаш Бутуниттифоқ марказига совға қилдилар.

⊙ НИКОЛАЕВ. Херсондаги Ленин комсомолининг 60 йиллиги номли кемасозлик бирлашмасида қурила бошланган «Наука» тадқиқот кемаси жаҳон океанидаги бой фойдали қазилмаларга йўл топишга ёрдам беради. Дизель-электроходга ўрнатилган ускуналар олти километр чуқурликдаги денгиз тубида қудуқ қазиш имконини беради, кеманинг қудуқ қазиш чоғида зарур бўлган бир нуқтада «қотиб туриши»ни таъминлайди.

⊙ ВЛАДИВОСТОК. ХХР ва совет Узоқ Шарқи олимлари номаълум учувчи объектларни биргаликда ўргана бошладилар. Приморьедаги Дальнегорск шаҳарчасида икки мамлакат уфологларининг дастлабки учрашуви бўлиб ўтди. Совет Иттифоқи ва Хитойнинг ғайритабиий ҳодисалар бўйича мутахассислари ҳозиргача маълум бўлган ҳодисаларни тадқиқ этиш программасини белгилаб, янги ҳодисалар тўғрисидаги видео-фото материалларни зудлик билан бир-бирларига юбориб туриш ҳақида шартлашиб олдилар.

⊙ ЛЕНИНГРАД. Рус давлат музейига келадиганлар учун кутилмаган ёқимли совға — Бенуа павильонида очилган ва Россия картина галереяларидан келтирилган асарлар тўпланган кўргазма тайёрлаб қўйилди. Кўпгина шаҳарлар энг машҳур ватандош мўйқалам усталарининг асарларини жўнатишди. Халқаро музейлар кунига бағишланган кўргазма энг қийин йилларда фахримиз бўлиб қолган коллекцияларни сақлаб қолиш билан чекланмай, уларни ҳатто кўпайтириб борганлар хотирасига ҳурмат-эҳтиром белгиси бўлди.

(ТАСС мухбирларининг хабарларидан).





⊙ МОСКВА. Ғарбий Германиянинг «Мерседес-бенц» ва Голицин автобус заводининг узоқ саёҳатларга мўлжалланган автобус-моноплани янги ҳамкорликдаги концернининг тўнғич маҳсулоти бўлди. У соатига 130 километргача тезликда йўл босади. 100 километрга 22,3 литр бензин сарфланади (Таққос учун — «Икарус» 34 литр сарфлайди).

СУРАТДА: янги автобуснинг ички кўриниши.

О. Булдаков сурати.

* * *

⊙ ВЦСПСнинг Москва яқинидаги пансионатида «Экобиоинформ-90» уч кунлик Бутуниттифоқ семинари бўлиб ўтди. Унга мамлакатимизнинг ўнта минтақасида билимларнинг турли соҳалари бўйича 300 дан зиёд мутахассис тўпланди.

СУРАТДА: Одинцоводан (Москва области) келган экстрасенс, халқ табиби В. В. Шевченко (чапда) даволаш машғулоти чоғида.

Р. Нетелев сурати (ТАСС).

ТАРБИЯЧИ ХОТИН

Интермедия

САЛИМА: Ие, Назирахонмисиз, бормисиз, ўртоқжон, яхши юрибсизми?

НАЗИРА: Раҳмат, ўзингиз яхшимисиз, кўринмайсиз?

САЛИМА: Раҳмат юрибмиз, тинчликми? Ўқув йили тугай деб қолганда, кундалик дафтар кўтариб юрибсиз.

САЛИМА: Ҳа, бу... ҳалиги... поччангизга.

НАЗИРА: Ўртоқжон, шундай дейсизку, болаларнинг ўқишини қандай тергаб турган бўлсам, у кишининг ўқишини ҳам шундай тергашим керак. Бўлмаса ўқишлари сусайиб қоладиса. Хабарингиз бор-а, ишчи-ёшлар мактабида ўқиётганликларидан.

САЛИМА: Хабарим бор. Нечанчи синфдалар?

НАЗИРА: Бу йил битирадилар. Ишлари сменали-да. Уйда бўлган вақтлари болалар билан бирга дарс тайёрлайдилар. Бир-бирларига қизиқишиб. Шу денг, тавба, бир хилда ручка талашиб қолишади, гоҳида чизғич, ўчирғич. Шундай экан, «Нега тез-тез ручка йўқотиб, болалар билан талашадилар, ўқишлари қанақа экан», деган хаёлга бордим. Мактабда отаоналар мажлиси бўладиган бўлса, болаларим дарров келиб айтади-ю, бу кишим чурқ этмайдилар. Ўқишлари қанақа экан деб, мактабларига бориб келяпман.

САЛИМА: Ҳа, ўқишлари қанақа экан?

НАЗИРА: Асло сўраманг, мазалари йўқ экан. Ўқитувчилари: «Азизов Шоорифми, ўқишларининг мазаси йўқ, болага... кечирасиз, бу кишига уйда кўпроқ ёрдам бериб туринглар, ҳадемай давлат имтиҳонлари бошланади, қийналадилар», деб қолди. Жуда уялиб кетдим. Болаларимнинг мактабига бориб бунақа гапни сира эшитмаган эдим. Яна исмларини йўқламага Азизов Шариф эмас, Азизов Шоориф деб ёздирганларига ўлайми... Ўртоқжон, буларнинг ташвишида адо бўлдим.

САЛИМА: Қўйинг, хафа бўлманг, ҳа демай ўқишлар ҳам битади.

НАЗИРА: Энди мана шу кундаликни қўлларига тутқазиб, қатъий режим билан ўқитаман. Уй вазифаларини шунга тўлиқ белгилаб борасиз, баҳо қўйдирасиз, дейман. Майли ўртоқжон, ҳасрат қилиб вақтингизни олдим.

САЛИМА: Йўғ-э, нима деяпсиз, майли келинглар уйга.

НАЗИРА: Хайр!..

(уйга келади)

НАЗИРА: Ҳой дадаси, бугундан бошлаб мана шу кундалик дафтарни тутасиз.

ШАРИФ: Ие, ҳазиллашяпсизми, хоним, қўйинг-э, одам уялади.

НАЗИРА: Бизни лақиллатишга уялмайсиз-а. Одам ҳам шунча прогул қиладими?

ШАРИФ: Туҳмат бу! Кимга учрашдингиз?

НАЗИРА: 10-синф раҳбари Бобоевга. Янги Шоориф исмингиз қутлуғ бўлсин.

ШАРИФ: Хоним, эртага сизни бошлаб бориб, қандай ўқиётганимни журналдан кўрсатаман. Шоорифга келсак, шундай одам бор. 10-«Б» да ўқийди, синф раҳбари Бобоев. Мен 10-«А» да ўқийман. Исм-фамилиям ўша-ўша Азизов Шариф.

НАЗИРА: А!..

ШАРИФ: Тарбиячим!..

Олим МАҲКАМОВ.

Янги латифалар

ОИЛАВИЙ УҚИШ

Афанди қариндоши билан ҳол-аҳвол сўраша туриб:

— Ўғлингиз мактабга бораётибдими, ўқишлари тузукми? — дебди.

— Раҳмат, нимасини айтасиз, Сухсуржон ўқий бошлагандан буён уйимизда зерикиш йўқ. Онаси ўқиш, она тилисини, мен ҳисоб ва расм дарсларини бажарамиз. Бувиси ҳам меҳнат дарсидан тикишларини қилиб берадилар.

— Ўқишлар ҳам мураккаблашиб кетган-да...

— Елгизимиз ҳам тинч, хотиржам ўтирмайди, жисмоний тарбия, ашуладан вазифаларини бир ўзи мустақил бажараяпти.

— Анавини қаранг-а, ўқишларнинг ҳам «оилавий пудрат»га ўтгани шу бўлса керакда-а?.. — деди Афанди кулимсираб.

ИЖАРА УЙДАМИЗ

Афандини учратиб қолган дўсти саволларни қалаштириб ташлади:

— Ҳовли-жойингиз бузиб юборилгани ростми? Ундай бўлса янги уйларингиз муборак! Яхши жойлашиб олдингизми? Қандай уйлардан насиб этди ўзи?

— Эй, биродар бизга буюрган уй «Под котлован», дейилар экан.

— У нима дегани? — ажабланди дўсти.

— Бу, уй қурилиши битиб, топширилгунигача ижара уйда яшаб турасиз дегани бўлади, оғайнижон.

КУРСАТМА БУЙИЧА

Афанди мудирлик қилаётган кутубхона ҳолатини текширган тафтишчилар раҳбари деди:

— Нима дегани бу, ҳамма жойдан чакка ўтиб, китоблар бўкиб кетибди-ку. Ҳужжатларга кўра бино томларини янгилаш учун талайгина тунука ажратилган экан.

— Гапларингиз рост, тунукаларнинг ҳаммасини тўлиқ олганмиз, лекин биз учун чакка ўтиши — ёнгиндан муҳофаза қилиш ташкилоти хулосасига кўра, бутунлай хавфсиз. Уларнинг кўрсатмасига кўра тунукалар хоналар эшикларини қоплашга сарфланди.

— Энди нима қилмоқчисизлар?

— Дераза-ю жавонларни ҳам бутунлай тунука билан қоплаб бўлингач, навбатда томларни янгилашга киришамиз, — тушунтирди Афанди иш режасини кўрсатиб.

Фозилжон ОРИПОВ.

Ҳажвлар

ЭЪТИРОЗ

ҲУРМАТЛИ таҳририят! Ўтган ҳафта ойнаи жаҳон орқали намойиш этилган ҳаваскор санъатчилар ижросидаги концертда хотиним: «Яна нима-нима дейсиз» лапарини ижро этди. Қўшиқ мазмуни шундан иборатки, аёл араҳхўр эрининг кирдикорларини айтиб, ёнидагиларга арз қилади. Мен умуман ичиш у ёқда турсин, чекмайман ҳам. Лекин ишхонамда муҳокама қилишди. Бошлиғимиз эътирозларимга қулоқ солмай: «Жим туринг, хотинингиз телевизор орқали арз қилса-ю, биз томошагўй бўлиб қараб турсак бўлмайди», — деб ҳайфсан беришди.

Хат ёзишдан асосий мақсадим, менга ёрдам бериб, рўзномангиз орқали: «Бу бир қўшиқ, ҳаваскор санъатчининг эри Алиқул умуман ичмайди», деб маълумот берсанглар. Чунки телевидение ушбу концертни такрорлаб кўрсатадиган бўлса, ишдан бўшатиб юборишлари мумкин.

АНЖИР

ЁШЛИГИМИЗДА бир-биримиз билан жанжаллашиб қолсак, «Бир уриб анжир қилиб қўяман», деб дўқ қилардик. Ҳозир анжир камайиб кетгани учунми, биров бунақа деб уришмайди. Чунки кўпчилик ёшларимиз анжирни кўришмаган-да.

Агар иложи бўлса рўзномангиз орқали анжир ва бошқа камёб мевалар ҳақида маълумот бериб борсанглар.

УКАСИ ҚАЕРЛИК?

БЎШ бўлдим дегунча, радио орқали қўшиқ эшитишни яхши кўраман. Энг кўп айтиладиган қўшиқлардан «Омон ёр». Лекин ижрочи ҳар сафар андижонлик, марғилонлик, тошкентлик укам деб ҳар хил жойларнинг номини айтади. Бу билан тингловчи чалғийди, ҳар хил фикрга боради. Нима, бу санъатчининг укаси кўпми ёки уларни тез-тез алмаштириб турадими, деб ўйлаши мумкин.

Санъат шайдоси бўлганимдан ва азбаройи ўша санъатчининг обрўсини ўйлаб, ушбу мактубни йўллашга қарор қилдим.

Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ.



КУЛИНГ ДЎСТЛАР, УМРИНГИЗ УЗУН БЎЛАДИ.

Юсуфжон қизиқ ШАҚАРЖОНОВ.

Қулоққа чалинган гаплар

⊙ Рустам, гўштинг пишмабди, еб бўлмаяпти.

(Хўранданинг ошпаз дўстига эътирози).

⊙ Ошна, каллангизни олиб туринг, ўтиб кетай.

(Автобусдаги мурожаатдан).

⊙ «Чўнтак»ка тушиб роса сомсахўрлик қилдик.

(Асакадаги «Чўнтак» чойхонаси таърифидан).

⊙ Кеча нуқул тушимга арақ кириб чиққан эди. Таъбирига энди тушундим.

(Ҳушёрхонадаги тушунтириш хатидан).

⊙ Ҳурматли ўртоқлар! Ювинишга киришдан олдин, қимматбаҳо нарсаларингизни ва кийимларингизни ечиб топширинг.

(Ҳаммом кассаси олдидаги эълон).

⊙ Эчкилар чап томонда, чўчқалар ўнг томонда, бўри эса ўртада турсин.

(Қўғирчоқ театридаги репетицияда).

⊙ Стадионда боқилаётган бузоқларимиз соғлом, чаққон ва эпчил бўлиб ўсмоқдалар.

(Ферма мудирининг докладидан).

Баҳодир АҲМЕДОВ, Фарғона вилояти.

МАҚОЛ ПАЙРОВИ

Аския

(Қатнашадилар: Абдулхай махсум Қозоқов, Ҳасанбой Султонов ва Насрулла Алиев).

Ҳасанбой: Махсум ака, йиғилган кулгисевар ака ва укахонларимиз учун бир суҳбат бошлаб берсангиз, ахир айтадиларку **оғзи қийшиқ бўлса ҳам бойнинг ўғли гапирсин.**

Махсум ака: Ҳасанбой, сиз бошлайверсангиз ҳам бўлармиди, чунки кейинги кунларда сўзга чечан бўлиб кетдингиз: **қарқиноқдан булбул чиқибди.**

Насрулла: Махсум ака, чамамда Ҳасанбой ҳадиксираб турибди; **ҳар не келса бошингга тилингдандир.**

Ҳасанбой: Насрулла ака, суҳбатни сиз бошлайверингда, **яхши отга бир қамчи. деб...**

Махсум ака: Насрулла ўйланиб турибди, **яхши от кейин чопади...**

Ҳасанбой: Насрулла ака, ўйланмай бошлайверинг, **гап келганда отангни аяма.**

Насрулла: Махсум ака, сиздан ёш бўлсак ҳам бизлар бошлайверишимиз мумкин, аммо ранжитиб қўймасмиканмиз деб одоб сақлаяпмиз, айтадиларку, **кейинги пушаймон — ўзингга душман.**

Ҳасанбой: Ҳа, энди улуғмисиз, унинг устига **тинмас кампирнинг оёғи, ойдинда чарх йигирар** деган гап бор.

Насрулла: Махсум ака, шогирдларингиз бир талайку, аммо Ҳасанбойни эркалатиб, дангаса қилиб юборгансиз, ахир айтадиларку, **етти ўлчаб бир кес.**

Ҳасанбой: Насрулла ака, мен сизга эслатиб қўяй, **эл ишига эринма, иш қилдим деб керилма.**

Махсум ака: Ҳасанбой тўғри айтаяпти, **ўзим деган ўзаксиз кетар.**

Ҳасанбой: халқда ҳам бир гап бор: **ғурур—ғурбат. камтарлик — ҳурмат.**

Насрулла: Ҳасанбой, Махсум ака устазода аскиячилардан, жуда ҳозиржавоб, шунинг учун таклифим — биргалашиб ҳаракат қилсак, **ахир бўрини кўрса овул ити бирлашар,** дейдиларку.

Ҳасанбой: Насрулла ака, менинг ҳам озми-кўпми тажрибам бор, унча-мунчага рози бўлмайман, **насияга маймун ўйнамас.**

Насрулла: Ҳасанбой, унда, шама қилманг, ёмон ўрганиб қоласиз, айтадиларку, **пора дўзах эшигини очар, ўзини билган ундан қочар.**

Махсум ака: Сизлар шогирдларимсизлар, шунинг учун доим такрорлайман-а, эҳтиёт бўлинглар, **ҳаром солсанг қўйнингга, сиртмоқ тушар бўйнингга.**

Ҳасанбой: Махсум ака, шуни айтсалар керакда, **насия еманг гўштни, тешиб чиқар тўшни.**

Насрулла: Махсум ака, юқорида Ҳасанбой шогирдингиздан бироз ранжидингиз, хафа бўлманг, **тангри берганнинг ўғли тўрт бўлар, бири номард бўлса, бир мард бўлар.**

Махсум ака: Тўғри айтасиз Насрулла, шуни айтишарканда, **дард кетар, одат қолар.**

Ҳасанбой: Насрулла ака, ҳарна бўлса ҳам, устам мени севади, бояги сўзларингизга қойил эмасман, лекин, **эгри ўтирсанг ҳам тўғри гапир.**

Насрулла: Ҳасанбой, хафа бўлманг, мен бўлиб ўтган гапни айтдим-қўйдим: **рост сўзни айт, ёлғон сўздан қайт.**

Махсум ака: Мени сизларга айтадиган сўзим бор, ҳарна бўлганда ҳам шогирдларимсизлар, сизларга ёмонликни раво кўрмайман, **эгри калтакка эгри тўқмоқ бўлмасин,** дейман.

Ҳасанбой: Тан оламиз, устозимизсиз, аммо аския саҳнасига чиққач ҳаракатни астойдил қиламизда, **тортишган эр, тортишмаган қора ер** деб.

Насрулла: Махсум ака, шуни айтишса керакда, **биров топиб, биров қопиб гапирар.**

Насрулла АЛИЕВ.

Мусаввир табассуми



— Бекатга етиб олсак бўлди, марра бизники.

— Қўрқма, омбор остонасидан ўтиб олдик-ку, ўмарганимизни ҳеч ким исботлолмайди.

— Хўрозингиз туяқушдек бўлиб кетибди. Нима билан боқаяпсиз, кеннойи!

— Менинг хўрозим донни хом деб емайди, фақат оқ нон билан боқаман.

— Сувнинг кимёвий белгисини биласизми, қизим!

— Мендан қош-киприк ва соч бўяшнинг кимёсини сўранг, домлажон.

Ш. Субхонов чизган расмлар.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Олий ўқув юртларига киришни истайдиган мактаб ўқувчилари ва абитуриентлар диққатига!

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ДОРИЛФУНУНИ

қуйидаги фанлар бўйича

ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўзбек тили ва адабиёти, тарих, жамиятшунослик, математика.

Машғулотларни қабул имтиҳонларида кўп йиллик тажрибага эга бўлган дорилфунуннинг етакчи ўқитувчилари олиб борадилар.

Машғулотлар давомида ёзма ва оғзаки имтиҳонларни топшириш бўйича амалий маслаҳатлар ҳам олиш мумкин.

Юқорида қайд этилган фанлар бўйича машғулотлар МАДАНИЯТ САРОЙИ БИНОСИда якшанбадан ташқари ҳар куни соат 16.00 да жадвал тартиби бўйича ўтказилади.

1-НАВБАТ — 1990 йил 1 июндан 15 июнгача;

2-НАВБАТ — 1990 йил 16 июндан 30 июнгача.

Машғулотларда қатнашиш учун абонементларни ТошДУ МАДАНИЯТ САРОЙИнинг 26 хонасида соат 11.00 дан 18.00 гача ҳар куни сотиб олиш мумкин.

Қўшимча маълумотлар учун 46-39-55 рақамли телефонга мурожаат этилсин.

Транспорт: 28, 34, 87, 100-автобуслар; 8, 4, 20-троллейбуслар; 9, 12, 21-маршрут таксиларнинг «В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат дорилфунуни» бекати.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги
Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси

В. П. ЧКАЛОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ БАЗАСИДАГИ **С. И. Кадишев номидаги 33-авиация ҳунар-техника билим юрти**

қуйидаги ихтисосликлар бўйича
1990—1991 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Учувчи аппаратларни йиғувчи слесарь, механика-йиғув ишлари слесари, учувчи аппаратлар деталларини тайёрлаш ва парчинлаб иш бажариш бўйича слесарь, кенг профилдаги станокчи, рақамли программа билан бошқариладиган станокларнинг оператори, фрезерчи, электр-газ пайвандчи.

ЎҚИШГА 8 ВА 10 СИНФ МАЪЛУМОТИГА ЭГА БЎЛГАН ҲАМДА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ВА ШАҲАР АТРОФИДА ЯШАБ ТУРУВЧИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

10-синфни тамомлаган ўқувчилар, шунингдек Совет Армияси сафларидан истеъфога бўшатилган ёшлар учун ўқиш муддати — 6—10 ой. Ўқувчиларга ойига 65 сўм стипендия тўланади. 8 синф маълумотига эга бўлган ўқувчилар учун ўқиш муддати — 1—3 йил. Улар бепул овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар.

Билим юртини тамомлагандан сўнг талабаларга ўрта маълумот ҳақидаги диплом ва касб бўйича тегишли малака оширгани ҳақидаги ҳужжат берилади.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчиларга стипендия сақланган ҳолда ишлаб топган ҳақининг 50 фоизи тўланади.

Билим юртидаги ўқиш даври умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

ЎҚИШ — ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Билим юрти ҳарбий-спорт базасига эга. Вокаль чолғу ансамбли, Авиамодель тўгараги, миллий чолғу асбоблари ансамбли, сурат чизиш студияси, духовой оркестр, дельтопланда парвоз этиш, компьютер техникаси тўгараклари ишлаб турибди. Билим юртида Ёшлар техника ижодиёти лабораторияси ишлаб турибди. Бу ерда ўқувчиларга бажарган иши учун 100 фоиз меҳнат ҳақи тўланади.

Билим юртини тамомлаб чиққанлар В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга юбориладилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан тамомлаганларга эса олий ўқув юртларининг кундузги ва кечки бўлимларига, шунингдек барча олий ўқув юртларига ўқишга киришлари учун йўлланмалар берилади.

Билим юртига ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим: директор номига ариза, 8-синфни тамомлаганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки ўрта маълумот ҳақидаги аттестат, туғилгани ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, медицина справкаси (0/86 форма), 6 дона фотосурат (3х4 ва 4х5 см).

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.

Бизнинг адрес: 700207, Тошкент шаҳри, Генерал Петров кўчаси, 331-уй (8, 30, 103, 106, 119, 171-автобуслар; 6, 29-трамвайларнинг «С. И. Кадишев номидаги билим юрти» бекати).

Телефонлар: 96-58-20, 96-47-70, 96-39-72.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги
ТОШКЕНТ «ҚИЗИЛ ТОНГ» ТИКУВЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ҚОШИДАГИ

48-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1990-1991 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқишга Тошкент шаҳрида ва Тошкент областининг пойтахтга яқин районларида яшовчи 9—11-синф ҳажмда маълумотга эга бўлган қизлар қуйидаги ихтисосликлар бўйича қабул қилинади: хотин-қизлар, болалар ва эркаклар устки кийимларини тикиш бўйича тикувчи-мотористка.

9-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган қизлар 3 йил ўқийдилар ва бепул иссиқ овқат, кийим-бош билан таъминланадилар.

Ўқишни битирганларидан сўнг улар ўрта маълумот ва эгаллаган касблари ҳақида диплом оладилар.

11-синфни битирган қизлар 1 йил ўқийдилар ва улар ҳар ойда 30 сўм миқдорида стипендия оладилар.

Ҳамма ўқувчилар ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида ишлаб топган меҳнат ҳақларининг 50 фоизини оладилар.

ЎҚИШ ДАВРИ УЗЛУКСИЗ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Битирувчи курс аълочи ўқувчиларнинг 10 фоизига ўқишга кириш учун йўлланма берилади.

Ўқувчилар И. Ганди номли маданият саройидан кенг фойдаланадилар. У ерда ҳар хил тўгараклар, спорт секциялари, каратэ ва диско клублар мавжуддир.

Ўқувчилар корхона территориясига жойлашган маиший ва медицина хизматидан, соат ва оёқ-кийим устахонасидан, сартарошхона, кийим-кечак ва озиқ-овқат магазинидан, профилакторийдан фойдаланадилар.

Билим юртида ўқувчилар бадиий ҳаваскорлик тўгараги, «Модалар театри» тўгараги, шунингдек, спорт секцияларида иштирок этишлари мумкин.

Каникул даврида ўқувчилар Совет Иттифоқи шаҳарларига, дам олиш базаларига бепул туристик путёвкалар билан тақдирланадилар.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: билим юрти директори номига ариза, маълумоти тўғрисида ҳужжат (асли), турар жойидан, отаонасининг иш жойидан ва медицина справкалари, 3х4 см ҳажмдаги 4 дона фотосурат.

Туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт шахсан кўрсатилади.

Мурожаат учун адрес: 700061, Тошкент шаҳри, Чехов кўчаси, 5-а уй. (1, 2, 5, 24, 26-трамвайлар, 1, 5, 8, 10, 17-троллейбуслар; 2, 3, 25, 60э, 71, 80э-автобусларнинг «Қизил тонг» ишлаб чиқариш бирлашмаси» бекати).

ЙЎЛЛАР ЧОРЛАЙДИ

«Фотиманинг саргузаштлари» саҳна асарининг қаҳрамонлари инглиз тилида гапира бошладилар. Ўзбек драматурги Ҳ. Ҳабибуллаев пьесасининг ёш қаҳрамони ўз дўстлари ва жумҳурият қўғирчоқ театри санъаткорлари билан бирга Сиэтлга боради, у ерда яхши ният ўйинларига бағишланган маданий тадбирларда қатнашадилар. Қўғирчоқ театрида чет эл сафарига жўнашдан олдин саҳна асарини ўзлари борадиган мамлакат халқи тилига ўгириш анъана бўлиб қолди.

— Жуда ҳаяжонланаяпмиз: дунёнинг турли гўшаларидан келган коллективлар билан рақобат қилишга тўғри келади, — дейди театр директори Ш. Маъдиева. — Бунинг устига гастролларимиз узоқ давом этади — бир ой бўлади. Ўйинларнинг ташкилотчилари Тошкент қўғирчоқ театри намояндаларининг Гавай оролларида ҳам томоша кўрсатишларини режалаштирмоқдалар.

Тошкент қўғирчоқ театри халқаро саҳнада ўзини яхши кўрсатишга улгурди. Коллектив тарихида хорижга неча марта сафар қилинганини санаб бериш қийин. У Ҳиндистон ва Покистонда, ГФР ВА Японияда, Болгария, ГДР, Венгрия, Польшада... томошалар кўрсатган. Шундай қилиб, оқ йўл сизга, қўғирчоқбозлар!

ТАНИШИНГ—«ЮРТДОШЛАР»

«Якташлар» («Юртдошлар»)—Тошкентда тузилган татар эстрада ансамбли ўз коллективи учун шу номни танлади. У татар маданият-маркази уюштирган уруш ва меҳнат ветеранлари учрашувида биринчи марта ўз санъатини намойиш этди.

— Ўзбекистонда секин-аста она тилини унутиб, ўз маданиятини йўқота бошлаган татарлар кўп, — дейди ансамбль бадиий раҳбари Илдус Ризвон. — Биз халқ мусиқаси ва қўшиқлари ёрдамида улар унутиб юборган нарсаларни эслатишга ҳаракат қиламиз.

Ҳаваскор композитор Комил Лутф Раҳмон қадимий халқ куйларини қайта ишлаб, ансамблга мослаб беряпти, бундан ташқари унинг программасига Л. Ботир-Булғорий, Р. Ахиёроваларнинг шоирлар М. Ғали, Н. Қосимов, Р. Минуллин шеърларига ёзган замонавий, оммавий қўшиқлари ҳам киритилган. Ансамбль якка-хони — татар қўшиқлари Бутуниттифоқ конкурсининг лауреати Я. Габитдин ўз ижро маҳорати билан томошабинларни хурсанд қилмоқда. Москва эстрада студиясини тугатган Р. Шарофиддинова тақдим этадиган хореографик мажмуа ҳам ансамбль репертуаридан ўрин олган.

Шу кунларда «Якташлар» ансамбли Тошкент вилояти бўйлаб дастлабки сафарга жўнаб кетди.

(ЎзТАГ).

КЎРГАЗМАДА— ЎҚУВ ХОНАСИ

Ўзбекистон Шўролар ижтимоий жумҳурияти Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг «халқ маорифи» бўлимида ўқув хонаси очилди. Бу ерда информатика машғулотларини ўтказиш мумкин. Жумҳуриятда ишлаб чиқарилаётган энг яхши компьютер техникаси — «Алгоритм» заводининг, «Вариант» Совет — Болгария қўшма корхонасининг ва «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг маҳсулотлари намойиш этилган.

Бу кўргазма доим ишлайдиган компьютер клуби бўлади. Бу ерда турли хил ЭҲМлар, информатика бўйича ўқув программалари ва ўқитиш методикалари билан танишиш мумкин бўлади. Шу ернинг ўзида ўзлари ўқиётган мактабда ҳозирча бундай техника бўлмаган ўқувчилар учун машғулотлар ҳам ўтказилади.

Табиатсеварларнинг кўрик-мусобақаси

ОНА-ЗАМИН КУНИ





Пойтахтимиздаги комсомол кўлида «Она-замин куни»га бағишланган шаҳар кўрик-мусобақаси бўлиб ўтди. Кўрикда Тошкентнинг ҳамма районларидан келган мактаб ўқувчилари ўзлари тайёрлаган турли кўргазмаларни, боққан қушлари-ю ҳайвонларни намойиш қилишди.

Кўрик-мусобақада 60 та мактабдан 1200 ўқувчи иштирок этди. Куйбишев район Ильич номли пионерлар саройи, Ленин номли жумҳурият марказий пионерлар саройи, «Табиат» болалар клуби, манзарали боғдорчилик совхози, каптарбозлик клуби, қушбоқарлар, хуллас, табиат ишқибозлари қатнашди.

Боғ майна, сарвар, турли тўти, жаннат қуши, лайлак, зотли каптарлар, япон хўрозларининг сайроқи товушларига тўлди. Кўрик-мусобақада турли хил гуллар кўргазмаси ҳам кўпчиликнинг диққатини тортди. Мактаб ўқувчиларининг куй, қўшиқ ва рақслари томошабинларни мамнун этди.

Чилонзор ва Киров районларининг мактаб ўқувчилари табиатни муҳофаза қилиш жамиятининг I даражали, Куйбишев, Октябрь ҳамда С. Раҳимов районларининг мактаб ўқувчилари II ва III даражали дипломлар билан мукофотландилар. Шунингдек, мусобақада қатнашган ҳамма ўқувчилар табиатни муҳофаза қилиш жамиятининг мақтов ёрлиқлари билан тақдирланишди.

Юлдуз БАЁВУДДИНОВА.

⊙ СУРАТЛАРДА: мактаб ўқувчилари «Она-замин куни» кўрик-мусобақасига тайёрлаб келган жонли кўргазмалардан лавҳалар.

Даврон Аҳмедов суратлари.

Муҳаррир
Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЯНГИ УЗИЛГАН САБЗАВОТЛАР— ДАСТУРХОН КЎРКИ!



Баҳорнинг илк ҳосиллари кўнглимизни хушнуд этди. Қаранг, дастурхонимиз қандай кўркам: помидору бодринглар дейсизми, барра саримсоқпиёз, бошли караму пиёз, шивиту петрушка дейсизми, ҳаммаси бисёр. Янги узилган хушбўй сабзавотлардан яхшироқ ҳеч нарса бўлмаса керак. Чунки истисносиз, барча сабзавотлар дармондорилар, қимматли минерал моддаларга ниҳоятда бой бўлиб, кундалик таомномангизга салат (шакароб)лар, янги узилган ошкўкларни қўшиб карам шўрва тайёрланг, карам, лавлаги, сабзили таомларни тайёрланг. «Бир кун ҳам дармондорисиз ўтмайди» шиорига амал қилинг.

Бугун биз сизга сабзавотлардан мазали таомлар тайёрлаш сирлари ва улардан баъзи бирларининг дармон-дорилик ва шифобахш хоссалари ҳақида ҳикоя қиламиз:

САРИМСОҚ ПИЁЗ — ЗИРАВОРМИ ЁКИ ДОРИВОРМИ?

Пифагор саримсоқпиёзни зираворлар шоҳи деб бекорга айтмаган. Ҳақиқатан ҳам ҳамма вақтларда пазандаликда саримсоқпиёздан иштаҳани қўзғатиб юборувчи восита сифатида кенг фойдаланилган. Саримсоқпиёз таомларга ўзига хос ўткир таъм ва хушбўйлик бахш этади. Баъзи бир таомларда у муҳим таркибий қисмлардан бири бўлиб саналади. Масалан, бутун бошли ёки бўлакли саримсоқпиёзни шўрвалар, палов, димламаларга қўшилади, шакароб (салат)лар, зираворли сиркалама (маринад)лар ва тузламаларга солинади.

Бошқа томондан олиб қараганда, саримсоқпиёзнинг шифобахш хусусиятлари ҳам кўпчиликка азалдан маълум. Ундан халқ табобатида кенг қўлланилади. Барра саримсоқпиёз шарбати грипп вирусини нобуд қилади ва юрак фаолиятини бир маромга солиб туради. Қон босими кўтарилиши ва атеросклероз хасталикларида ундан фойдаланиш яхши самара беради:

Шифо мақсадларида саримсоқпиёзни,

1—1,5 бўлакчадан қатиқ билан истеъмол қилинади. Шамоллаш хасталикларида майда тўғралган саримсоқпиёзни асал билан аралаштириб, ҳар соатда бир чой қошиқдан истеъмол қилинади.

Май ойи — саримсоқпиёзни сиркалаш учун энг қулай вақтдир. Айни шу пайтда саримсоқпиёзнинг аччиғи унчалик бўлмайди, пўсти ҳам майин бўлади.

СИРКАЛАНГАН САРИМСОҚПИЁЗ

Саримсоқпиёзни олдин илиқ сувда 2 соатча бўктириб қўйилади, сўнг тозаланган бошчаларини совуқ сувда яхшилаб ювилади ва устидан сиркали эритма қуйилади. Эритма қуйидагича тайёрланади: бир ош қошиқ туз, бир ярим қошиқ шакар, 2 стакан сувга бир ярим стакан уксус солинади. Битта 1 литрли банкага тайёрлаб қўйилган саримсоқпиёзга 400 грамм сиркали эритма керак бўлади.

Энди шакароблар ҳақида гаплашиб олайлик. Мана энди уй бекалари ўзларининг дид ва истакларига хоҳлаганча эрк беришлари мумкин! Шакароблар ҳамиша одамнинг иштаҳасини очади. Бунда маҳсулотларнинг ўлчамли нисбатига у қадар риоя қилмаса ҳам бўлаверади. Фақат таъм, маза хоссалари сал-пал ўзгаради, холос. Қуйида ғаройиб шакароб тайёрлаш усули билан танишинг.

«ТОРТ» ШАКАРОБИ

Йирик кўзли қирғичдан ўтказилган қайнатилган сабзавотлар думалоқ чуқур лаганга бир ярим сантиметр қалинликда териб чиқилади. Аввал — картошка, сўнг — ҳалқа-ҳалқа қилиб тўғралган пиёз (қайноқ сувга чайиб юбориш керак), қаттиқ қайнатиб пиширилган тухум, сабзи, кўк нўхат, лавлаги терилади. Сабзавотларнинг ҳар бир қатламига ва «торт»нинг юзасига майонез сепилади. Уни сабзавот бўлаклари билан безатиш мумкин.

«Торт» бироз муддат холодильник ичида сақланиши лозим. Сиз ҳалигача татиб кўрмаган бир шакароб билан танишинг:







РАНГ-БАРАНГ ШАКАРОБ

Йирик кўзли қирғичдан ўтказилган қайнатилган бир стакан лавлаги, бир стакан творог, бир стакан чопилган кўк пиёз, исталган турдаги ош кўк яхшилаб аралаштирилади. Қаттиқ қайнатиб пиширилган, майда чопилган тухум қўшиш ҳам мумкин. Майонез қуйилади, агар уйда ёнғоқ бўлса, бир ҳовучгина қўшиб юборинг, маза қиласиз.

«Пўстинли» селёдка — маълум ва машҳур шакаробдир. Аммо маҳсулотларни қандай изчилликда солишнинг таом мазасига таъсир қилиши мумкинлигини ҳар бир уй бекаси ҳам билавермайди. «Пўстинли» селёдкани қуйидагича тайёрлаб кўринг-чи:

Кенг ясоқли ликобчага қайнатилган картошкани йирик кўзли қирғичдан ўтказиб бир қатлам қилиб солинг, устидан майонез қуйинг. Сўнг майда чопилган суяксиз селёдка қатлами, сўнгра майда чопилган пиёз, йирик кўзли қирғичдан ўтказилган қайнатилган лавлаги, қайнатилган ва чопилган тухум солиб, устидан майонез қуйинг.

Шакаробга кўрк керакми? Маълум бўлишича, керак экан. Биз иштаҳа билан истеъмол қиладиган таомларгина фойда келтиради. Бунинг учун эса у фақат тўйимли ва мазали бўлибгина қолмай, балки ташқи кўриниши билан ҳам кишини ўзига тортиб, иштаҳани қўзғатиб туриши лозим.

Кўпинча пазандалар сабзавотлардан тайёрланган безак қисмларини қўлашади. Шакаробга ҳар ким ўзи истаганча тус бера олади: хоҳланг уни тоғдай уйиб қўйинг, хоҳланг қиррадор доира ёки секторлар шаклида жойлаштиринг, бу сизнинг ишингиз.

Мана, масалан, помидор ва бодрингдан тайёрланган шакаробни қандай безатиш мумкин.

500 г помидор, 200 г бодринг, ярим стакан сметанали қайла, ошкўклар, салат япроқчалари керак бўлади.

Ювиб, қуритилган помидорлар ва барра бодрингларни паррак-паррак қилиб тўғрайсиз, салат япроқчалари тўшалган япасқи ликобчага помидор ва бодринг парраклари қатор терилади. Қатор оралариға майда чопилган ошкўклар ёки чопилган тухумларни сепиб чиқиш мумкин.

Сметанали қайлани алоҳида қайла идишида дастурхонга тортса бўлади: помидор ва бодринг парраклариии думалоқ тарелкага конуссимон — думалоқ тоғ шаклида жойлаштириб, унинг учига ошкўклар япроқларини ёки кичкина помидорни қўйиш мумкин.

Сметанали қайла қуйидагича тайёрланади:

0,5 стакан сметана, 0,5 чой қошиқ туз, бир чой қошиқ шакар, таъбга кўра хантал ва мурч солинади.

Сметанага туз, шакар, жиндай хантал ва туйилган қора мурч қўшиб, аралаштирилади. Қаттиқ қайнатиб пиширилган, майда чопилган тухум қўшиш ҳам мумкин. Майонез қуйилади, агар уйда ёнғоқ бўлса, бир ҳовучгина қўшиб юборинг, маза қиласиз.

«Пўстинли» селёдка — маълум ва машҳур шакаробдир. Аммо маҳсулотларни қандай изчилликда солишнинг таом мазасига таъсир қилиши мумкинлигини ҳар бир уй бекаси ҳам билавермайди. «Пўстинли» селёдкани қуйидагича тайёрлаб кўринг-чи:

Кенг япасқи ликобчага қайнатилган картошкани йирик кўзли қирғичдан ўтказиб бир қатлам қилиб солинг, устидан майонез қуйинг. Сўнг майда чопилган суяксиз селёдка қатлами, сўнгра майда чопилган пиёз, йирик кўзли қирғичдан ўтказилан қайнатилган лавлаги, қайнатилган ва чопилган тухум солиб, устидан майонез қуйинг.

Шакаробга кўрк керакми? Маълум бўлишича, керак экан. Биз иштаҳа билан истеъмол қиладиган таомларгина фойда келтиради. Бунинг учун эса у фақат тўйимли ва мазали бўлибгина қолмай, балки ташқи кўриниши билан ҳам кишини ўзига тортиб, иштаҳани қўзғатиб туриши лозим.

Кўпинча пазандалар сабзавотлардан тайёрланган безак қисмларини қўлашади. Шакаробга ҳар ким ўзи истаганча тус бера олади: хоҳланг уни тоғдай уйиб қўйинг, хоҳланг қиррадор доира ёки секторлар шаклида жойлаштиринг, бу сизнинг ишингиз.

Мана, масалан, помидор ва бодрингдан тайёрланган шакаробни қандай безатиш мумкин.

500 г помидор, 200 г бодринг, ярим стакан сметанали қайла, ошкўклар, салат япроқчалари керак бўлади.

Ювиб, қуритилган помидорлар ва барра бодрингларни паррак-паррак қилиб тўғрайсиз, салат япроқчалари тўшалган япасқи ликобчага помидор ва бодринг парраклари қатор терилади. Қатор оралариға майда чопилган ошкўклар ёки чопилган тухумларни сепиб чиқиш мумкин.

Сметанали қайлани алоҳида қайла идишида дастурхонга тортса бўлади: помидор ва бодринг парраклариии думалоқ тарелкага конуссимон — думалоқ тоғ шаклида жойлаштириб, унинг учига ошкўклар япроқларини ёки кичкина

БАРРА КАРАМ ВА БОДРИНГЛИ ШАКАРОБ

300 г карам, 2 та бодринг, 1 ош қошиқ шивит, ўсимлик мойидан 2-3 ош қошиқ қайла, хантал керак бўлади.

Карам билан бодринг сомонча шаклида тўғралади, таъбга кўра қайла ва хантал қўшилади. Ҳаммасинн яхшилаб аралаштириб, шакаробдонга солинади. Устидан майда чопилган шивит сепилади.

УСИМЛИК МОЙИ ҚАЙЛАСИ

0,5 стакан ўсимлик мойи, 2 ош қошиқ сирка, 0,5 чой қошиқ шакар, 0,5 чой қошиқ туз, ошкўклар ва мурч талаб қилинади.

Қайладонга ўсимлик мойи, сирка қуйиб, зираворлар, хушбўй ошкўклар мурч қўшиб, ҳаммаси, яхшилаб кўпиртирилади.

САРИМСОҚПИЁЗЛИ, САБЗАВОТЛИ ШАКАРОБ

Қайнатилган сабзавотлар йирик кўзли қирғичдан ўтказилади, хом карам майда кубикчалар шаклида тўғралади ва устидан қайноқ сув қуйилади. Ҳамма маҳсулотларни тўғралган хом пиёз билан аралаштирилиб, майонез қуйилади. Шакаробга туйилган чеснок қўшилади.

300 г қайнатилган сабзи, шунча қайнатилган картошка, бир стакан тўғралган карам, 2 та кичикроқ лавлаги, 1 бош пиёз, 1 бош саримсоқпиёз, 4 та қаттиқ қайнатилган тухум (безатиш учун), 200 г майонез кетади.







ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР!

Тошкент шаҳар агросаноат бирлашмасига қарашли улгуржи-чакана савдо мева-сабзавот комбинатларининг барча магазинлари савдосида бошли карам, лавлаги, сабзи, саримсоқпиёз, кўкпиёз, помидор, бодринг, ошкўклар, петрушка, шивит бор.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АГРОСАНОАТ БИРЛАШМАСИ.

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

«Ўзбекконцерт»

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

6 июнь соат 17.00 ва 20.00 да

Чимкентлик хушовоз хонанда

Ғиёс БОЙТОЕВ

ВА

«ҚИЗИҚЧИ-89» кўригининг ғолиби

Мирза ХОЛМЕДОВ

иштирокида

Янги концерт программаси

Программани — Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.
Касса соат 11.00 дан очиқ.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

(Хадра майдони, 1)

ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА

Ленинград, Москва, Ростов-Дон, Тошкент, Новосибирск шаҳарларининг етакчи артистларининг ЦИРК САНЪАТИ АНЖУМАНИ ЎТКАЗИЛАДИ

Цирк санъатининг барча жанрлари бўйича икки бўлимдан иборат катта ранг-баранг программа.

«БЎҒМА ИЛОН БИЛАН ОЛИШУВ» ғаройиб томошаси.

Бутун оқшом манежда масхарабозлар гуруҳи кўнглингизни ёзади.

Томошалар соат 19.00 да; шанба кунлари — соат 16 ва 19.00 да; якшанба кунлари — соат 12, 15 ва 18.00 да бошланади.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 24/V да **Спартак**, 27/V да **Анда** (18.00).

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — 24/V да **Мушкул савдо**, 25/V да **Хотиннинг эри**, 26/V да **Табассум оқшоми**.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 24/V да **Зиёфат**, 26/V да **Паранжи сирлари**, 26/V да **Фармонбиби аразлади**.

КИНО

24 МАЙДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Чайка — «АТИРГУЛ НОМИ» (16, 18.30, 20.45).
Нукус — «СИТОРА» (16, 18.30, 20.45).
Восток — «СИТОРА» (16, 18.30, 20.45).
Фестиваль (ёзги) — «ГУ-ГА» (20.40).
М. Шайхзода номли — «КАШМИРДАГИ МУҲАББАТ» (16, 18.30, 20.45).
К. Ерматов номли — «ТЕМИР ХОТИН» (ўзбек тилида, 16, 18.30, 20.00).
Москва — «СОКИНЛИК САЛТАНАТИ» (17, 21.00).. «СЕНЬОР РОБИНЗОН» (19.30).
Тошкент Советининг 50 йиллиги — «УЧРАШУВ» (18.30), «МОДЕРНИСТЛАР» (16, 21.00).

25, 26 МАЙДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Чайка — «АТИРГУЛ НОМИ» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).
Нукус — «СИТОРА» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).
Фестиваль (ёзги) — «ГУ-ГА» (20.40).
М. Шайхзода номли — «КАШМИРДАГИ МУҲАББАТ» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).
К. Ерматов номли — «БЕНУҚСОН ЖИНОЯТ» (тоқ соатларда).
Тошкент Советининг 50 йиллиги — «НАВИГАТОР ПАРВОЗИ», «МЕНИНГ ДУШМАНИМ» (11, 14, 17.00); «МЕНИНГ ЭРИМ — ЎЗГА САЙЁРАЛИК» (20, 21.30).

«Ўсарфильм» муаллиф бирлашмаси кўпчилик меҳнаткашларнинг илтимосларига биноан хоразмлик шифокор-экстрасенс Кларабону Ибрагимованинг даволаш сеансларини

ЎТКАЗАДИ

Шифо истаб келувчи кишиларни душанба, пайшанба кунларидан ташқари ҳар куни соат 14.00 дан 20.00 гача қабул қилади.

Бизнинг манзил: 700000, Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 48-уй, Техника уйи, «Ўсарфильм» муаллиф бирлашмаси.

Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов районидаги 146-ўрта мактаб томонидан **Шорахмедова Маъмура Дамировна** номига берилган 783478 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар, Киров районидаги 16-ўрта мактаб томонидан **Айходжаев Акмал Таирджанович** номига берилган 267130 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар, Фрунзе районидаги 6-кечки мактаб томонидан **Ҳасанов Зиёдулла Суннатуллаевич** номига берилган Д 982311 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар ижроия комитети ички ишлар бошқармасининг ёнғинидан сақлаш бошқармаси жамоаси Ленин район 3-ҳарбийлаштирилган ёнғинидан сақлаш отряди бошлиги ички хизмат подполковниги

Мирҳоди Зоҳидович ОБИДОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

Р. 04274.
Тиражи 139.200. Индекс 64690. Д—2201.
1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.